

ҚАТАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ  
СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ БУЙИЧА  
ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

⚡ Аввал хабар берганимиздек, айти пайтда Доҳа шаҳрида бўлаётган “Диний эркинликдан диний масъулият сари: қўллаб-қувватлаш ва ҳаракат ҳамжамиятларини қуриш” мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон делегацияси иштирок этмоқда.

✦ Бугун, 10 май куни Доҳа шаҳридаги “Роял Меридиан” меҳмонхонасида халқаро конференция ўз ишини давом эттирди. Анжуман доирасида “Дин ва қонун устуворлиги” шўъбаси доирасида 11 та бўлимларда 50 га яқин олимлар ва тадқиқотчилар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослар, диншунос ва дин етакчилари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакилларининг маърузалари ташкил қилинган.

📖 Жумладан, Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Д.Махсудовнинг “Диний соҳадаги ислоҳотлар: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги маърузаси ва тақдимоти иштирокчиларга етказилди.

Маърузада сўнгги йилларда дин соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида қонунчилик такомиллаштирилгани, янги илмий ва таълимий муассасалар очилгани, барча дин вакилларининг эмин-эркин эътиқод қилишларига шароитлар яратилгани, буюк алломалар меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бир қатор эзгу саъй-ҳаракатлар аниқ мисоллар, далил ва рақамларда тақдим этилгани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўз навбатида, бугунги даврда дунёнинг турли нуқталарида диний ва миллий адоватлар давом этаётган бир пайтда Ўзбекистонда 16 та диний конфессиянинг тинч-тотув яшаши кўплаб давлатлар учун намуна тимсоли бўла олиши алоҳида таъкидланди.

◆ Тадбирда иштирок этаётган халқаро экспертлар томонидан Ўзбекистондаги диний-маърифий соҳадаги, хусусан, диний бағрикенглик борасидаги ташаббуслар юксак эътироф этилди.

Ўзбекистон делегациясининг Қатарга сафари давом этмоқда.

Дин ишлари бўйича қўмита

Ахборот хизмати

